

Жорий таъмирлашга оид
ШАРТНОМА №158250-84

Самарканд шаҳар
Шартнома тузилган жой

«21» октябр 2022 йил

"Sheroz Fayz Binokor" МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Н.Қодиров номидан, бир томондан ва Самарканд шаҳар мактабгача таълим булими кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар С.Номиров номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Бинони жорий таъмирлаш (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	84-МТТ биносини жорий таъмирлаш	198 997 776	190 000 000
	Жами	198 997 776	190 000 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 190 000 000,0 (Бир юз тўқсон миллион) сўмни ташкил қилади.

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: "21" октябрдан 2022 йил, тугаши: "30" ноябр 2022 й.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Ишлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар»ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;

- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 190 000 000,0 (Бир юз тўқсон миллион) сўмни ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. 3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Ғазначилиқда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% миқдоридан олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортимент, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи

миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контракция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб

чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контракция шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «21» октябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг қонуний кучга киради.

IX. Коррупцияга қарши талаблар.

9.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яни улар, уларнинг ходимлари, қафилланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

9.2.Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

9.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

Х. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

ХИ. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи

Ташкилот номи: "Sheroz Fayz Vinokor" МЧЖ
Манзил: Иштихон тумани Хазарбобо МФЙ
Жарости кишлок
Телефон: 933322864
СТИР коди: 307244459
ОКОНХ:
Х/Р : 20208000505198272001

Банк номи: «Халк банки» Самарқан

вилоят филиали

МФО: 01005

Раҳбар:

М.У.

Н.Қодиров
(имзо)

Ф.И.Ш

Буюртмачи

Ташкилот номи: Самарқанд шаҳар мактабгача таълим бўлими

Манзил: Беруний кўчаси 91 уй

Тел.: 995507917

СТИРкоди: 207267131

шхр: 100022860184017091100251001

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Самарқанд

шаҳри бўйича Ҳазначилик бўлинмаси

Ягона Ҳазначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ):

23402000300100001010


Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар Бош

бошқармаси ХККМ

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919



	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	SOLOXIDIN NOMIROV NOSIROVICH
	Imzolangan sana	22.10.2022 08:26
	Hujjat kodi	LF8532435210
	Hulosa kodi	QM1570542577

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

XR0758060362

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **XIZMATLAR KO'RSATISHGA (ISHLARNI BAJARISHGA) OID**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: SAMARQAND SHAHAR MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI tomonidan 12.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Samarqand shahar
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



U.A.Xudayqulov
12.10.2022



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Самарқанд шаҳар мактабгача таълим
бўлими мудири

С.Номиров

10

2022 йил

М.Ў

Самарқанд шаҳар мактабгача таълим бўлимига қарашли мактабгача таълим
ташкилотларини жорий таъмирлаш бўйича энг яхши таклифни танлаш

Х У Ж Ж А Т И

УМУМИЙ ҚИСМ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

1. Умумий ҳолат

- 1.1 Ушбу танлов ҳужжатлари 22.04.2021 йилдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов мавзуси: **Самарқанд шаҳар мактабгача таълим бўлими тасурруфидаги 84-ДМТТ биносини бюджет маблағлари ҳисобидан жорий таъмирлаш**
- 1.3. Танлов охириги қиймати – **198 997 776,0 сўм**. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.4 Талабгор ўз таклифини электрон танлашга жойлаштириши мобайнида унинг чегирмаси объектнинг бошланғич қийматидан **10% дан кўп бўлган** тақдирда таклиф буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.
- 1.5 Танлов таклифида кўрсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.
- 1.5 Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.
- 1.6 Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари - **онлайн**.
- 1.7. Ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта **сумда** амалга оширилади
- 1.8. Тўлов тартиби пул ўтказиш йули билан (**олдиндан 30%, оралик тўловлар 40%, охириги тўлов 30% иш бажарилгандан сўнг**)
- 1.9. Жорий таъмирлаш ишларининг тугалланиш муддати **90 кун**
- 1.10. Танловда иштирок этиш учун таклиф **ўзбек тили ёки рус тилида** тақдим қилинади.
- 1.11. Иштирокчиларга танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш эълон берилгандан **5 (беш) иш кун** мобайнида.
- 1.11. Танлаш учун берилган эълон **5 (беш) иш кунига** электрон тизимга жойлаштирилади.
- 1.12. Ушбу Қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш **мезонлари электрон тизим томонидан энг яхши таклифни танлаш ва электрон овоз бериш** тартибига мувофиқ амалга оширилади
- 1.13. Танлов иштирокчилари томонидан **коррупция кўринишларига** йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этишлари талаб қилинади.

2 Танлов ташкилотчилари

- 2.1 Буюртмачининг номи – **Самарқанд шаҳар мактабгача таълим бўлими** (бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).
- 2.2 Комиссиянинг ишчи органи танлов комиссияси (бундан кейин - "комиссия").
- 2.4 Танлов камида беш аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 4 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 50 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қарздорлиги, солиқ идораларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ёки хизмат кўрсатувчи банкда инкассалар ва ҳар хил турдаги қарздорликлари йўқлиги тўғрисида банк маълумотномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларидан, 12 тадан ортиқ малакавий ишчиларнинг ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; фаолияти давомида камида 15 тадан ортиқ бюджет ташкилотларида фаолият олиб борганлиги хусусан ягона буюртмачи Инжиниринг компанияси билан ҳамкорликда ишлаганлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; (бажарилган ишлар тўғрисидаги счёт-фактуралар, процентовакалар, далолатномалар ва шунга ухшаш бошқа ҳужжатлардан нусхалар)

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори ҳамда бугунги кунгача жами айланма маблағлари 1 млрд дан ортиқ булиши

4 Танловни ўтказиш тартиби

4.1 Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:

а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);

б) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиш;

4.2 Иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади:

қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш;

"Буюртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш; ягона реестрда виждонсиз ижрочилар; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошқор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар.

4.3 Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар: иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита миқдорнинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи, иш таклифи ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш. давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракатларини амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаш;

иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга

5 Танлов тили, ўлчов бирлиги.

5.1 Танлов таклифи ва иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек тилида бўлиши керак. Танлов таклифи ўзбек тилига аниқ илова қилинган ҳолда бўлиши керак. Танлов таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланиш керак.

6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби

6.1 Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

6.2 Рақобатчи: тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

6.3 Танлов таклифи икки қисмдан иборат:

наrx қисми танлов шартларига мос келиши ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: маҳсулот номи, хизматларнинг қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқалар.

6.4 Шунингдек, иштирокчи ташқи муҳитда (СД, флеш-хотира ва бошқалар) 1 та таклифни, шу жумладан барча танлов ҳужжатларини тайёрлаши керак, улар сканерлаштирилган шаклда тақдим этилиши керак, раҳбарнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

6.5 Тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилади.

6.6 Техник таклиф қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак: техник ҳужжатлар рўйхати (техник маълумотлар варақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки тақдим этилаётган хизматларнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).

6.7 Ушбу танловга илова қилинган наrx таклифининг мажбурий ҳужжатлари мавжудлигига қўйиладиган талаблар.

6.8 Комиссия фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

7 Таклифлар бўйича танлов тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари

7.1 Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган танлов таклифларини баҳолаш бўйича танлов комиссияси.

7.2 Таклифларни кўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, танлов комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.

7.3 Танлов комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.

7.4 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.

7.5 Таклиф Қонун, меъёрий ҳужжатлар ва танлов ҳужжатлари талабларига мос равишда бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлашлари мумкин.

7.6 Танлов комиссияси агар уни тақдим этган танлов иштирокчиси Қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиларининг таклифи бўйича танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

7.7 Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равишда, ёзма равишда, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек наrxнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

7.8 Танлов ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

8 Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги махфийлик.

8.1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга тегишли кирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга рухсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 158250 на приобретение 84-мактабгача таълим муассасаси биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 18.10.2022

Время рассмотрения 17.10.2022 21:19

Закупочная комиссия Самарканд шаҳар мактабгача таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	Норбеков Жамшид Раббанаевич	Махсус таъмирлаш - эксплуатация хизмати бошлиғи	Комиссия раиси
Секретарь комиссии	XAMRAYEV FAZLIDDIN KARIMBERDIYEVICH	ТМҚ хисобчиси	котиб
Член комиссии	Наврузов Хуршид Абдирахмонович	Бош хисобчи уринбосари	комиссия раис уринбосари
Член комиссии	Умаров Умидбек Нурлибаевич	Давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ҳамда ўқитишнинг муқобил шакллари ташкил этиш шуъба мудир	аъзо
Член комиссии	Юнусов Самандар Нурмухаммедович	Озиқ-овқат махсулотлари ҳисоби бўйича гуруҳ раҳбари	аъзо
Член комиссии	Холбеков Азиз Насиллаевич	хўжалик мудир	аъзо

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.10.2022 года № лота 158250.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	84-МТТ биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	198 997 776.00
Стартовая сумма	198 997 776.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Олдинги даврда шу каби бажарган ишлар тугрисида шартнома топшириш-кабул килиш далолатномаси, счё-фактуралар илова килиниши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Олдинги даврда шу каби бажарган ишлар тугрисида шартнома топшириш-кабул килиш далолатномаси, сёт-фактуралар илова килиниши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LOYISH O TKIR QURILISH X K	15	1	15	Экспертная		
SHEROZ FAYZ BINOKOR MCHJ	15	мавжуд	15	Экспертная		
ELEGANT CONSTRUCTION 9999 MCHJ	15	195017820	5	Экспертная		

Критерий №2 Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатиға киритилмаганлиги; қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. Эълон жараёнида бўлган давр ҳолатиға солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги repository.soliq.uz дастуридан олинган штрих кодли маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатиға киритилмаганлиги; қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. Эълон жараёнида бўлган давр ҳолатиға солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги repository.soliq.uz дастуридан олинган штрих кодли маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LOYISH O TKIR QURILISH X K	5	6	5	Экспертная		
SHEROZ FAYZ BINOKOR MCHJ	5	мавжуд	5	Экспертная		
ELEGANT CONSTRUCTION 9999 MCHJ	5	195017820	5	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилинган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан бажариладиган ишларга сарфланадиган меҳнат ресурслари, машина ва механизмлар, қурилиш моллари ва ускуналарнинг ресурслар ведомости,

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилинган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан бажариладиган ишларга сарфланадиган меҳнат ресурслари, машина ва механизмлар, қурилиш моллари ва ускуналарнинг ресурслар ведомости,

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LOYISH O TKIR QURILISH X K	15	5	10	Экспертная		
SHEROZ FAYZ BINOKOR MCHJ	15	мавжуд	15	Экспертная		
ELEGANT CONSTRUCTION 9999 MCHJ	15	195017820	5	Экспертная		

Критерий №4 Танлов савдоларида иштирок учун бажарилаётган ишни 30% миқдорида айланма маблаг мавжудлиги тугрисида банк маълумоти.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов савдоларида иштирок учун бажарилаётган ишни 30% миқдорида айланма маблаг мавжудлиги тугрисида банк маълумоти.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LOYISH O TKIR QURILISH X K	15	4	15	Экспертная		
SHEROZ FAYZ BINOKOR MCHJ	15	мавжуд	13	Экспертная		
ELEGANT CONSTRUCTION 9999 MCHJ	15	195017820	5	Экспертная		

Критерий №5 пудратчи ташкилот асбоб ускуна ва техникалари мавжудлиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: пудратчи ташкилот асбоб ускуна ва техникалари мавжудлиги тугрисида

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LOYISH O TKIR QURILISH X K	15	3	12	Экспертная		
SHEROZ FAYZ BINOKOR MCHJ	15	мавжуд	14	Экспертная		
ELEGANT CONSTRUCTION 9999 MCHJ	15	195017820	5	Экспертная		

Критерий №6 Ишчи ходимларнинг рўйхати, раҳбар ва ходимларининг мутахассислиги бўйича маълумот (my.mehnat.uz порталидан ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида ёки меҳнат дафтарчаси тўғрисида дастурдан олинган штрих кодли маълумотнома тақдим этиш, диплом ва буйруқ нусхаси).

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимларнинг рўйхати, раҳбар ва ходимларининг мутахассислиги бўйича маълумот (my.mehnat.uz порталидан ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида ёки меҳнат дафтарчаси тўғрисида дастурдан олинган штрих кодли маълумотнома тақдим этиш, диплом ва буйруқ нусхаси).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LOYISH O TKIR QURILISH X K	15	2	15	Экспертная		
SHEROZ FAYZ BINOKOR MCHJ	15	мавжуд	10	Экспертная		
ELEGANT CONSTRUCTION 9999 MCHJ	15	195017820	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
LOYISH O TKIR QURILISH X K	198 997 776.00	190 000 000.00 UZS	190 000 000.00	00.00	190 000 000.00	10.10.2022 18:29:06	30
SHEROZ FAYZ BINOKOR MCHJ	198 997 776.00	198 599 209.00 UZS	198 599 209.00	00.00	198 599 209.00	10.10.2022 20:54:50	28.70102

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
LOYISH O TKIR QURILISH X K	63	30	93
SHEROZ FAYZ BINOKOR MCHJ	63	28.70102	91.70102
ELEGANT CONSTRUCTION 9999 MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 158250 от 18.10.2022 года на приобретение 84-мактабгача таълим муассасаси биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

LOYISH O TKIR QURILISH X K
301247506

и резервный исполнитель: SHEROZ FAYZ BINOKOR MCHJ (307244459)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	Норбеков Жамшид Раббанаевич	Согласен	
Член комиссии	Умаров Умидбек Нурлибаевич	Согласен	
Член комиссии	Юнусов Самандар Нурмухаммедович	Согласен	
Член комиссии	Холбеков Азиз Насиллаевич	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Самарқанд шаҳар мактабгача
таълим бўлими мудирининг
С.Номиров

«17» октябр 2022 йил

Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 84-Давлат мактабгача таълим ташкилоти
биносини жорий таъмирлаш бўйича танлов ўтказиш бўйича комиссия
йиғилиши
БАЁНИ

Самарқанд шаҳри

«17» октябр 2022 й

Раислик қилувчи

Ж.Норбеков

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Х.Наврўзов
А.Холбеков
Ф.Хамрайев
У.Умаров

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи ўринбосари
Комиссия аъзоси, Хўжалик мудирининг
Комиссия аъзоси, ТМҚ бўйича ҳисобчи
Комиссия аъзоси, Давлат ва нодавлат мактабгача
таълим ташкилотлари фаолиятини ҳамда
ўқитишнинг муқобил шакллари ташкил этиш
шўба мудирининг

С.Юнусов

Комиссия аъзоси, Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисоби
бўйича гуруҳ раҳбари

КУН ТАРТИБИ:

Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 84-давлат мактабгача таълим
ташкилоти биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича

(Ж.Норбеков, Х.Наврўзов, А.Холбеков, Ф.Хамраев, У.Умаров, С.Юнусов)

Мактабгача таълим бўлими томонидан 2022 йил 4 октябрда Ўзбекистон
Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Самарқанд
шаҳар МТБга қарашли 84-давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини
жорий таъмирлаш бўйича 22110012158250-лот рақами билан эълон
жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 17 октябрдаги энг яхши
таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари
комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Самарқанд шаҳар
МТБга қарашли 84-давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий
таъмирлаш баённомасига асосан эълон якунига кўра комиссия аъзолари
томонидан "LOYISH OTKIR QURILISH" ХК ғолиб деб топилган. "LOYISH

OTKIR QURILISH" XK tomonidan ish hajmining kўpайиб кетганлиги туфайли etender.uzex.uz порталидан ғолиб бўлганлиги тўғрисидаги баённомага норозилик (бекор қилиш) тугмасини босиб бекор қилган. Шундан сўнг захирадаги (ғолиб) танов иштирокчиси "SHEROZ FAYZ BINOKOR" МЧЖ ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. ТМҚ бўйича ҳисобчи Ф.Хамраев:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 17 октябрдаги электрон баённомасига асосан "SHEROZ FAYZ BINOKOR" МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Махсус таъмирлаш-эксплуатация хизмати бошлиғи Ж.Норбековга хизмат кўрсатиш сифат даражасини назорат қилинсин.

Комиссия раиси:



Ж.Норбеков




Х.Наврўзов



А.Холбеков



Ф.Хамраев



У.Умаров

С.Юнусов